



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 14 июл, чоршанба № 94 (741)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



«ЎздЭУавто»:

ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ



Фидокор халқимиз, «ЎздЭУавто» қўшма корхонаси жамоаси гоёт муҳим, тарихий воқеа - мустақил Ўзбекистон жаҳондаги автомобил ишлаб чиқарувчи 28 давлат сафига қўшилган кунни зўр шоду хуррамлик, фахр хис-туйғулари ила нишонламоқдалар.

Ўзбекистон Президент Ислом Каримовнинг шахсан ташаббуси ҳамда саяё-харакатлари билан ўта қисқа вақт ичила Асакада автомобиллар иш-

бўлса-ю, қандай қилиб машинасозлик йўлга қўйилади, деган пичинглари пучга қичди.

Уша қувончли кезларда мамлакатимизга ташриф буюрган «ДЭУ» Президентининг куйидаги сўзлари барчамизга олам-олам қувонч бағишлаганди: «Корхона икки йилда куриб битказилди. Рекорд. Бир қарашда бунга ишонгинг келмайди. Аммо, Президент Ислом Каримов аралашган иш мўъжиза билан яқунлинишига ишондим».

Мутахассисларнинг таъкидлашларича заводда бу йил 80 минг донна машина ишлаб чиқариш режалаштирилган. Эътиборлиси шуки, Рига шаҳрида «ЎздЭУавто»нинг минтақавий корхонаси очилаётган экан. Демак Болтиқбўйи давлатлари билан бу соҳада ҳамкорлик ривожланади. Ҳозир корхона учун зарур бўлган бутловчи материалларнинг 20 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бўлса, 2003 йилга келиб бу кўрсаткич 85 фоизни ташкил этади. Ҳа, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек «ЎздЭУавто» қўшма корхонаси республикамиз ҳаётида катта сийёсий, маънавий аҳамиятга эга бўлиши билан биргаликда, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. У фахримиз, гуруримиздир!

Истиқлол — бизнинг тақдиримизда

Саид АХМАД:

МУСТАҚИЛЛИК ҲАМ АНГЛАШ ДЕМАКДИР

Куни кеча юртимизга узоқ Америка Қўшма Штатларидан бир хушхабар келди. АҚШда, Нью-Йоркнинг энг нуфузли театрларидан бирида илк бор ўзбек адабининг пьесаси сахна юзини кўрадиган бўлди. Бу муҳтарам адабимиз, адабиётимизнинг оқсоқоли Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» асари.

Хушхабар баҳонасида Саид Аҳмад ота билан суҳбат асносида билсак, «Келинлар кўзғолони»ни нафақат Нью-Йоркда, балки Канада ва Исроил театрлари сахналарида намойиш қилиш режалаштирилаётган экан. Отанинг ўзи эса хориждаги илк премьерага боришга тайёргарлик билан боғлиқ хайрли ташвиш билан банд. «Биз илгари асаримиз Москвада чоп этилса, дўппимизни осмонга отар эдик. Асарларимизнинг Америкаю

Канадаларда сахналаштирилишини эса ҳатто орзу ҳам қилолмаганмиз,- деди Саид Аҳмад ота чойни қайтарар экан. - Шукур дейишимиз керак, «Келинлар кўзғолони»нинг Нью-Йоркда сахналаштирилаётгани ҳам мустақиллик берган имконият».

Ота билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Унинг мавзуси эса асосан Саид Аҳмаднинг ёзуви сифатида ўйлангандан муаммолар хусусида бўлди. - Мен аклини шўролар замонидан танидим. У замоннинг яхши кунларини ҳам, энг кир, энг қора тунларини ҳам кўрдим. Насиб этган экан, мана, мустақиллик ҳа-

восидан ҳам тўйиб нафас олиш бахтига мушарраф бўлиб турибман. Шу боис, юртимизнинг мустақиллиги ҳақида гапиришга ҳақим бор деб биламан. Шунинг учун ҳам у ҳақда гапирётган айрим одамларнинг сўзини тинглаб турсам, ажабланиман. Улар менга худди девордаги плакати ўқитгандай туюлади. Барака топгур, мустақиллик ҳақида бунчалик хиссиз, масъулиятсиз гапириб бўлмайди, дегим келади. Масъулиятсиз айтилган гап улуг мақсадлар йўлидаги ишларимизга ҳам эътиборсизлик, берафқликнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Масъулиятсизлик билан айтилган гап халқни нодонликка олиб борадиган йўл эканига бир-икки мисол айтсам. Олтириқни биласиз, жуда чиройли гўша. Шўролар замонидан ўша ердаги хилхоналардан бири «Марказий қабристон» деб аталарди. Тавба, дейман, қабристоннинг ҳам марказийси бўладими? Шу қабристонга олиб борадиган катта йўлнинг бошига эса «Барча йўллар коммунизмга олиб боради», деган панно илиб қўйилган бўларди. Қўқондаги қабристоннинг киравериш жойида эса «КПССга шоншарафлар» деган ёзув бўларди. Олтириқдаги бошқа бир қабристоннинг пештоқи-

га «Хуш келибсиз!» деган ёзув осиб қўйилган эди, десам баъзилар ота лати-фа айтяпти дейди...

Ватан мустақиллиги туйғуси юракдан жой олиши керак. Шунда бизга четдан бўлаётган ҳар хил таъсирлар чивин чаққанчлик ҳам таъсир қилмайди. «Кук қроғоз»га сотиладиган болалар ва уларнинг хорижда яшириниб юрган раҳбарлари ҳам чапак чалиб қолаверди.

Уруш пайтида фашистлар ва уларнинг гу-машталари 9-10 яшар оч болаларни нон ёки ширинлик билан алдаб, турли варақалар тарқатишга жалб қилган экан. Мен Тошкентда террор уюштирган болаларнинг аксариятини шундай «ширинликка алданган» нодон болалар деб ўйлайман. Уларни жиноятга ундаган, бошлаган катталарини ушлаш лозим. Улар ҳам қонун олдида жавоб бериши керак!

(Давоми. 2-бетда)

«Галла-99»

ЗАФАРОБОДЛИКЛАР ЗАФАРИ

Жиззах вилояти Зафаробод тумани галлакорлари маррага етди. Улар уйган хирмон 16 минг 550 тоннадан ортди. Эришилган ютуққа Й.Охунбобоев номидаги, «Ҳамдўстлик», «Тинчлик», «Чимқўрғон» хўжаликлари ҳамда К.Қудратов, И.Ражабов, И.Маматқулов, Т.Қўчаров бошлиқ фермер хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Илғор механизаторлар «Кейс» комбайни билан 1400-1500 тоннадан зиёд галлани ўриб бердилар.

Галлакорлар ўрим-йигимни уюшқоқлик билан давом эттирган ҳолда ҳосилдан бўшаган майдонларни пешмапеш шудгор қилиб такрорий экинлар экмакди.

Йўлчи ЖўРА, Ўза мухбири



«СПОРТ - СЕН САНЪАТСАН»

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида ана шундай деб номланган кўргазма очилди. Унга рассомларнинг спорт усталари ва умуман спортчилар ҳаётига бағишланган асарлари, шунингдек, ўтган йили футбол бўйича XVI жаҳон чемпионати голиби бўлган Франция терма жамоасининг футбол тўпи, футболчилар бутсилари, шу санга бағишланган вимпеллар ҳам қўйилган.

- Кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад ва вазифаларимиз спортнинг санъат тури эканлигини кенг намойиш этиш, инсоннинг жисмоний баркамоллигини санъат асарларида тараннум этишдан иборатдир,- деди Бадий академия раиси Т.Қўзиёв.

- Кўргазма давомида гўзаллини таъсирловчи рассомларимизни спортда ва жисмоний тарбия соҳасида юксак натижаларга эришяётган таниқли ҳамюртларимиз билан таништириш, дўстлаштириш ҳамда янги асарларга илҳом бахш этиш ҳам кўзда тутилган.

Тадбирда, шунингдек, кўп вақтдан бери спорт мавзусида ижод қилиб келаётган рангтаъсирчи рассом ва ҳайкалтарошлар М.Тохтаев, Қ.Башаров, С.Раҳмоновга Миллий Олимпия кўмитаси, В.Енин, Н.Калон, П.Подосинниковга Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси номидан совғалар топширилди. Турли миқёсдаги мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб келаётган таниқли спортчилар - кураш бўйича жаҳон чемпиони К.Муродов, фристайл бўйича олимпия чемпиони Л.Чирязова, гимнастика бўйича олимпия чемпиони А.Чусовитинага Бадий академия совғалари - Ўзбекистон халқ рассомларининг спорт мавзусидаги асарлари тортқ этилди.

Икки ҳафта давом этадиган «Спорт - сен санъатсан» кўргазмаси томошабинларда катта қизиқиш уйғотиши, иккала соҳа вакилларини янада иноқлаштириши шубҳасиздир.

Б.Мансуров, Ўза мухбири

Болаларимизни ёғи соғломлаштириш масаласида биз касабамиз фаоллари анча олдин тайёргарлик кўрадик. Термиз шаҳар халқ таълими бўлимининг 3 та ўрта умумтаълим мактаблари қошида 300 ўринли болалар оромгоҳларини ташкил этганимиз. Уларнинг барчаси тўла қувват билан ишламоқда. Бундан ташқари барча оромгоҳларимизда спорт

ҚУВНОҚ КУНЛАР

майдонлари ишлаб турибди. Ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар мавжуд.

Учала оромгоҳларимиз ҳам хушманзара жойларда жойлашган. Энг муҳими зеркишга вақт йўқ. «Қувноқ йигитлари», «Қулги кунлари» ва «Ўзбекистон келажиги буюк давлат», «Қувноқлар ва зукколар» мушоиралари, шеърхонлик каби тадбирлар дам олувчиларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Болалар ёзининг сўз ўтишидан Равшан» ҳиссадорлик жамиятининг ҳиссаси катта.

Алишер ЖУМАЕВ, таълим ва фан ходимлари Термиз шаҳар касабамиз кўмитаси раиси.

Кўш чараклаган кунлар. Ўрта мактабни битирган бир гуруҳ ёшлар хиббон бўйлаб кезишмоқда. Фавворалар, анвойи гуллар, замонавий иншоотларни кўриб кўз қувнайди. Йигит ва кизларнинг хурсандчилиги чехраларидан яққол сезилиб туради. Шу пайт кутилмаганда бир ўсмир суратга тушишга тараддулланаётган киз бўйнидаги тилла занжирни юлкалаб олиб қочди. Каттик изтиробга тушган дўгоналари товушини эшитган ёшлар бақириб-чақириб ўғрининг орқасидан тушдилар. Эгрикўл узоққа боролмади. Кўча муюлишида чапдаст йигитлар томонидан ушланди. Ўғри милицияга топширилди. У тегишли жазосини олиши тайин. Энг ёмони, эндигина мустақил ҳаётга йўлланма олган кизнинг юрагида аллақандай ҳадик, кўркүв, қалбида кимларгадир нисбатан ишончсизлик пайдо бўлди.

Савол туғилади: нима учун вояга етмаган ўсмир жиноятга қўл урди? Бировнинг мулкига чанг солиш жиноят эканлигини ва бунинг учун жазо муқаррарлигини билмасмиди? Муайян даражада бўлса-да биларди, сезарди. Фақат ҳали боши деворга тегмаган,

кўзи очилмаган. Кимларнингдир ёлгон-яхши гапира, ваъдаларига учиб ярамас йўлга кирган. Бундайлар қанчалик янглиганликларини сезиб, тавба қилгунларича ширин умрнинг муайян қисмини хазон қилдилар.

Биз Тошкент шаҳар прокуратура идоралари томонидан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, назоратсизликни-

нг олдини олиш ва таълим-тарбия ишлари қай даражада йўлга қўйилганлиги билан қизиқиб бўлим прокурори Алишер Жалилов билан мулоқот қилдик. Таҳлил натижалари қувончли

ноятлар сони ортанлигини қандай изоҳлаш мумкин.

Суҳбатдошимиз фикрларини таъсирли рафинглар эканми бир вақтлар умумий назорат, таълим-тарбия соҳасидаги

эмасди. Умуман ўсмирлар ўртасида жиноят содир этиш кўпайса кўпайптику қамаймапти. Айнақса пойтахтнинг Акмал Икромов, Чилонзор, Сирғали, Ҳамза, Юнусов, Миробод, Шайхонтоҳур туманларида вояга етмаган ўсмирлар томондан жиноят содир этиш кўпроқ. Хатто баъзи ерларда ўта оғир жи-

латда жиноят содир этган. Олти ой мобайнида вояга етмаганлар билан шуғулланувчи нозирликларга 4336 нафар ўсмир олиб, келинган. Бу гоёт ташвишли ҳолдир. Демак ҳуқуқ-тартибот идорала-

амалга оширилмаётганлигини кўрсатади. Боз устига С.Раҳимов, Чилонзор туманлари хромикликлари қошидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар томондан ноқонуний қарорлар қабул қилинишига йўл қўйилган.

Феврал воқеалари ҳар бир фуқаро учун аччиқ сабоқ бўлди. Кўзимиз очилди, мулла бўлдик. Ўғри таъкидлашмоқда, ёшлар билан ишлаш масаласида нўноқлик қилинди, уларнинг орзу интилишлари, муаммолари билан етарли даражада қизиқмадик. Бемақсад кўча чангитиб юрганларни, «бизнес» баҳонасида бежо қадам ташлаётганларни кўра-била туриб ўзимизни четга олдик. Охир оқибат тажрибасиз, иродасиз ёшлар ёвуз кимсалар таъсирига тушдилар.

Ҳаёт мураккаб. Бозор камчиликлари, бирёқла-мал кимматга тушаётганлигини чуқур ҳис қилган. Қаранг, вояга етмаганлар томондан гуруҳ ва рецидив жиноятларининг содир этилиши ўша даражада сақланиб қолмоқда. Қасофатнинг бош сабабларидан бири ичкиликбозлик, гийҳвандлик. Сўнги ойларда 30 нафар ўсмир маст хо-

ри ходимлари янада шижоот кўрсатиб, тўпланган тажрибалардан унумли фойдаланган ҳолда фаолият оритишлари лозим.

Аксарият жиноят содир этган ўсмирлар ҳеч қаерда ишлашмайди, ўқимайди. Юқоридаги ташвишли ҳолат мута-садди идоралар, муассалар томонидан белги-ланган тадбирлар изчил

шароити даврида муаммолар етарли. Бугунги ёшларимиз, ўсмирларимиз нимадан хурсанду нимадан кўнгиллари тўлмаяпти? Ҳаётда ўз ўрниларини топишлари учун қандай ёрдам мадад керак? Улар бўш вақтларини қандай ўтказишмоқда? Буларнинг ҳаммасини билишимиз, ёшларимизга ҳар қандам қанот бўлишимиз даркор. Ёмонини яшириб, яхшисини ошириб меҳр-мурувват кўрсатсақкина қалбларига йўл топа оламиз. Баъзи йўлдан адашганларни эса ўз вақтида кўзларини очиб қўйишимиз мумкин.

Фазилят ҲОЖИКУЛОВА.

ХОТИРА БУРЧАГИ

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизда 9 майни Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилганликлари барчаннинг кўнглидаги иш бўлди. Шу муносабат билан республикамизнинг кўпгина шаҳарларида Хотира бурчаги кўпчилиги хурсанд қилди. Хотира бурчагига бундан бир неча йил илгари мазкур жамоада раҳбарлик қилган Прозорова Ольга Дмитриевна, Белуха Ульян Крилович, Қаюм Бўриев сингари кўп йиллар мазкур шифо масканида меҳнати синган марҳум шифокорларнинг суратлари билан таржимаи ҳоллари битилган. Унда марҳум шифокорлар жамоада ишлаган йиллари баён қилинган.

Шунингдек, маънавият ва маърифат хонасидан кўндалик матбуот нашрлари ўрин олган бўлиб, бу ерда шифокор ва беморлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кенг имконият яратилган.

— Хотира бурчагини ташкил этганимизни кўпчиликка манзур бўлди, - дейди диспансер бош ҳақими Раҳимиддин Абдурахмонов. - Максудимиз ижтимоий ҳаётда сидқидилдан меҳнат қилаётган шифокор ва беморларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўз халқига, миллатига, Ватанига муҳаббат ёш авлоднинг қонига ўтаётганини кўриб турибмиз. Ёшларнинг гап-сўзини эшитсам, ҳарилгим эсдан чиқиб, менинг ҳам қоним гулуриб кетади. Мен Жезказгандаги «Стелла» деган лагерда Альгис Четкаукас деган бир литвалек ҳамда бир япон асири билан бирга қамолда ўтирганман. Японнинг исми Ероси Дюн эди. Бир кун нимадир бўлиб, литвалек дўстимиз япон императорини сўкиб қолди. Дюнбой бундан қаттиқ ғазабланиб, кичкина пичоқчасини шартта ўзининг биллигига урди. Мен унинг қўлидан тукдим. «Императорингни сўккан - бу, сен нега ўзинга пичоқ урасан!», деди. У қийнала-қийнала шундай деди: «Модомики, у менинг императоримни бир пулга олмас экан, демек, мени ҳам сариқ чақача кўрмайди!» Мен ҳозирги ёшларимизнинг аксариятига ўша япондаги шижоатни, ўз Юртбошига садоқатни кўргандай бўлман. Япон боласи учун императорнинг хаёти ўз хаётидан кўра муътабар эканини ушундай билганман. Биз ҳам ўз Президентимизга ана шундай садоқатли бўлишимиз керак, деб ўйлайман. Анави террорчилар эса Ватанда шундай куч ўсиб келаётганидан, кейинчалик уларни бўйсундириш қийин бўлишини алмади!

Мустақиллик нима? У бизнинг ўз-ўзимизни тарбияшимизда! Дунёнинг бизни танишида! Шўролар бизни ўзимизга хурматдан, озгина вақтга бўлсин, жудо қилолгани учун юртимизда бемалол ҳукмини ўтказган. Шўролар ҳукумат халқни, деган шир билан авомни

алдашга муваффақ бўлган. Ўттинчи йилларда қарорбозлик роса авжига чиққан эди. Арзиман сабаб билан мажлис чақирилиб, унда Англия бош вазири Чамберлен сўкиларди. «Чириётган Фарб»ни қоралаб, қарор ҳам чиқариларди. Қарорбозлик шу даражада авж олган эдики, шўроларнинг энг катта жаллоди Дзержинский ўлганида Тошкентдаги кўнчилар союзи: «Уртоқ Дзержинскийнинг вафоти қаноатларни топилсин», деган қарор ҳам чиқарган. Ишонмайсизми? Лекин бор гап бу. Ҳақиқат, Аслида, бу ҳам халқни қалака қилишнинг, эзининг бир йўли бўлган.

Ҳозир кўп болаларимиз хорижнинг мана-ман деган дорилфунунларида ўкиб кайтмоқда. Президентимиз давлатимизнинг эртанги кунини шундай ўқиган ёшларнинг қўлида бўлишини қайта-қайта таъкидламоқда. Бу - бир кунлик сиебат эмас. Бу - мустақилликнинг моҳиятини аниқлаётган яна бир далил. Бу моҳиятнинг яхшироқ англамоқ учун ана эски замон сиебатига мурожаат қилсангиз, у янада аққолроқ намоён бўлади.

Шўролар ҳукумати саводсиз, нодон одамларга суняиб ишлаган. Ўзбекистон Марказий Ижроқўмитининг биринчи раиси Йўлдош Охунбоев аравакшдан чиққан чала савод одам эди. 1945 йили унинг ўрнига Абдували Мўминов деган яна бир саводсиз киши «сайланди». У Уйидаги бир жамоа ҳўжалигининг раиси бўлган. Мен шу кишининг таржимаи ҳолини газетга ёзганман. Бир саҳифа бўлиб чиққан. Материал газетда чиққанидан кейин у мени чақирди. Узим ўкиб бердим. Мен ўқияман, у йиглаб ўтирибди. Нима бўлди, оқоқол, деб сўрасам, раҳматли онам тирик бўлганларида саводсиз ўгли Охунбоев-

Истиқлол — бизнинг тақдиримизда

нинг курсисиди ўтирганини, газетларда катта қилиб ёзишганини кўриб, роса хурсанд бўларди-да, дейди. У йиғлапти дег, мен эса юпатиб ўтирибман. Бандликда, дейман. Яна нима деди? Ахвол шунчалекки, ушунда мен ҳам рес-

чик раҳбарлар ибрат олиши керак. У киши қайси ишга кўл урса, катта муҳаббат билан ёндошади. Охирига етмасдан қўймайди. Изчил инсон. Яқинда Сурхондарё ва Қашқадарёда бўлганда шунинг яна бир бор гувоҳи бўлдим. Прези-

виятига таянч бўлиб турарди. Лекин тарбия фақат гап-сўз билан чекланмаслиги лозим. Болаларимизда Ватанга муҳаббат уйғотиш учун эса уларга Ватанини кўрсатиш керак. Болаларимиз ёшлигдаёқ Самарқанд ва Бухорони,

ҳим масаласидир. Ҳаётимизда қийинчиликлар йўқ эмас. Лекин одамларимиз ҳаётга қўзни катта очиб қарашга ўрганишмоқда. Мустақиллик бизга нима берганини кўриш учун узоққа бориш шарт эмас. Қўнча қилиб, ўтиб-қайтаётган машиналарга қараш кифоя. Бўй тиклаётган банд иморатларга, йўл бўйлаб ўтган газ ва сув қувурларига қараш кифоя. Ахир, булар илгари йўқ эди. Қолаверса, янги иморат қилаётган одам бир-икки йил янги костюм киймай туриши, серёғ, сергўш паловни камроқ ейиши мумкин. Иморат солаётганда, хотин бўйидаги марваридини, эр қўлидаги тилла сотини сотиши мумкин. Лекин ҳечқиси йўқ. Буларнинг ўрни тез орада тўлиб кетади. Биз ҳам ҳозир юртимизда шу жараёни бошдан кечиряпмиз. Сабли бўлмоғимиз, эртанги кунимизга ишонмоғимиз, ишониб меҳнат қилмоғимиз лозим.

Ҳозир давлатимиз эртанги фаровон кунни таъминлайдиган ишлар билан банд. Одамларни уйли-жойли қилиш, газ, сув олиб келиш ташвиши, эртанги бўладиган улкан қорхоналарга ҳомашиб етказиб берадиган заводу фабрикаларни қуриш ташвишида бугун кўнглимиздагидек яшай олмаётган бўлсак, бундан фожиа ясамаслик керак. Улкан ўзгаришлар жараёнида хато ва камчиликларга йўл қўйилмаётган бўлса, бу ҳам табиий. Мустақил жамият қуришнинг мабтаби йўқ. Бирор жойга бориб ўқиб келишнинг ҳам иложи йўқ. Фақат ўзимизнинг тажрибаларимиздан, хатоларимиздан ўрганамиз, сабоқ оламиз, ҳолос.

Мамлакатимизнинг кундан-кунга тобора чирой очиб бораётганини халққа кўпроқ ва хўброқ кўрсатиш керак. Атроф қанчалек гў-

Саид АХМАД:

**МУСТАҚИЛЛИК
ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ДЕМАКДИР**

публика раҳбарининг саводсиз бўлишини одатий ҳол деб билган эканман. Мана сизга тескари тарғибнинг кучи! Уша йилла, халқчиллигидан, халқчиллигидан яна бир белги.

дент ишчи ёшлар билан ўз тенгқуридайд очик суҳбат курди. Ҳатто ҳазил-хузул қилди. Бу йўлбошимизнинг бағри кенглигидан, халқчиллигидан яна бир белги.

Хива ва Тошкентни кўрсин, жаннатмонанд боғлар, улкан тоғлар кўйинга чиқсин. Улар Ватан деган сўзни тилга олганида, кўз ўнгидан мавҳум бир ҳаёл эмас, аниқ-таниқ манзаралар гавдаланиши лозим. Ҳарбийга берган йигит ўшанда ўзи нималарни қўриқлаётганини яхши тасаввур қилади. Ҳар хил террорчиларнинг ҳаракати тўғрисида қандай гўзал юрт харобага айланиши мумкинлигини яқоқ сезади, бинобарин, бундай галамисларга ўз вақтида ва кескин жавоб бера билади.

Ўзбекистоннинг илк нишони «Соғлом авлод учун» ордени эди. Бунда жуда катта рамзий маъно бор. Биз буюк келажак қуряпмиз. Унга муносиб авлоднинг тарбиялаш эса биринчи бурчимиз. Соғлом авлод учун, деган широнини фақат жисмоний етуклик маъносидида тушунмаслик керак. Бунга маънавий баркамоллик масалаларини ҳам эш қилмоқ лозим. Мамлакатимизда спортга жуда катта эътибор берилаётгани жисмоний соғлом авлоднинг камол топиши учун замин бўлаётди. Маънавий масалаларига эътибор қаратилмаётгани эса руҳи соғлом, бақувват авлоднинг дунёга келишига асос бўлади.

Биз болаларга мактабда-ноқ Ватан туйғусини сингдириш йўлидан боришимиз керак. Чунки тарбияда гап кўк. Ёшлиқда юракка синган ғоялар кейинчалик ҳам кишининг маъна-

вийатига таянч бўлиб туради. Лекин тарбия фақат гап-сўз билан чекланмаслиги лозим. Болаларимизда Ватанга муҳаббат уйғотиш учун эса уларга Ватанини кўрсатиш керак. Болаларимиз ёшлигдаёқ Самарқанд ва Бухорони,

ҳим масаласидир. Ҳаётимизда қийинчиликлар йўқ эмас. Лекин одамларимиз ҳаётга қўзни катта очиб қарашга ўрганишмоқда. Мустақиллик бизга нима берганини кўриш учун узоққа бориш шарт эмас. Қўнча қилиб, ўтиб-қайтаётган машиналарга қараш кифоя. Бўй тиклаётган банд иморатларга, йўл бўйлаб ўтган газ ва сув қувурларига қараш кифоя. Ахир, булар илгари йўқ эди. Қолаверса, янги иморат қилаётган одам бир-икки йил янги костюм киймай туриши, серёғ, сергўш паловни камроқ ейиши мумкин. Иморат солаётганда, хотин бўйидаги марваридини, эр қўлидаги тилла сотини сотиши мумкин. Лекин ҳечқиси йўқ. Буларнинг ўрни тез орада тўлиб кетади. Биз ҳам ҳозир юртимизда шу жараёни бошдан кечиряпмиз. Сабли бўлмоғимиз, эртанги кунимизга ишонмоғимиз, ишониб меҳнат қилмоғимиз лозим.

Ҳозир давлатимиз эртанги фаровон кунни таъминлайдиган ишлар билан банд. Одамларни уйли-жойли қилиш, газ, сув олиб келиш ташвиши, эртанги бўладиган улкан қорхоналарга ҳомашиб етказиб берадиган заводу фабрикаларни қуриш ташвишида бугун кўнглимиздагидек яшай олмаётган бўлсак, бундан фожиа ясамаслик керак. Улкан ўзгаришлар жараёнида хато ва камчиликларга йўл қўйилмаётган бўлса, бу ҳам табиий. Мустақил жамият қуришнинг мабтаби йўқ. Бирор жойга бориб ўқиб келишнинг ҳам иложи йўқ. Фақат ўзимизнинг тажрибаларимиздан, хатоларимиздан ўрганамиз, сабоқ оламиз, ҳолос.

Мамлакатимизнинг кундан-кунга тобора чирой очиб бораётганини халққа кўпроқ ва хўброқ кўрсатиш керак. Атроф қанчалек гў-

Мамлакатимизнинг кундан-кунга тобора чирой очиб бораётганини халққа кўпроқ ва хўброқ кўрсатиш керак. Атроф қанчалек гў-

Мамлакатимизнинг кундан-кунга тобора чирой очиб бораётганини халққа кўпроқ ва хўброқ кўрсатиш керак. Атроф қанчалек гў-

**МУСИҚА
САНЪАТИНИ
ТАРҒИБ ЭТИБ**

Ҳозир Ўзбекистонда кўплаб музика таълими даргоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Маданият муассасалари ва кутубхоналар ҳам аҳолига хизмат қилмоқда.

Бу каби маданият ўчоқлари ҳамда санъат ўқув юртлири маърифат даргоҳлари янглиг кўплаб ёшлар камолотида муҳим ўрин тутмоқда. Ана шу умидли ёшларни ўқув адабиётлари билан қуроллантириш йўлида ҳам қатор хайрли ишларга кўл урилди.

Янги ўқув йили муносабати билан талайгина дарслик ва қўлланмалар босмага тайёрланди. Кўплари эса нашр этилиб, жойларга юборилди. Бу ишларга Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот республика маркази бош-қош бўлмоқда. Давр талабига жавоб берадиган ўқув адабиётларини нашр этириб, уларни ўз ўқувчиларига етказиб бериш жараёнлари режали асосда борапти.



**ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР
АССИДА**

Ўзбекистонда авиация хизматини кенг йўлга қўйиш йўлида самарали изланишлар олиб борилмоқда. Тошкент Давлат самолётсозлик институти олимларининг йирик тадқиқотлари эса авиация техникаси ва технологияси тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Олий ўқув юртида яратилган лойиҳа асосида энгил вазинли самолётлар ишлаб чиқариш тадбирлари қўрилди. Бу хил транспорт воситаларидан халқ хўжалигида кенг фойдаланилади.

Ҳозирда олийгоҳда яна бир лойиҳа устида ҳам жиддий иш олиб борилмоқда. Институтнинг конструкторлик бюроси томонидан яратилган мазкур илмий ишланманнинг юзага келишида олий ўқув юрти ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари ўз ҳиссаларини қўшилади.

«Учувчи аппаратлар конструкцияси ва уларни лойиҳалаш» кафедраси ишлаб чиққан лойиҳа эса Ўзбекистон фан ва техника Давлат қўмитаси билан ҳамкорликда вужудга келди. Мазкур ишланмани амалга ошириш учун қўмити маблағ ажратди.

Шоймурод ШЕРМАТОВ.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ирода ҲОЖИҚУЛОВА.

**Ислоҳот йўлидаги ғов
РАҲБАР ҚОНУННИ
БИЛМАСА...**

Инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий жамият қуришга киришган эканмиз, бунда энг аввало ҳар бир фуқародан амалдаги қонунларни яхши билиши ва уларга қатъий риоя қилиши талаб этилади. Меҳнат қилувчининг ҳуқуқий, иجتимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя этиш юзасидан жойларда олиб бораётган фаолиятимиз шунини кўрсатмоқда. Ҳали ҳуқуқий саводхонликни ошириш, уни мукамаллаштириш масалаларига айрим туманларда катта-кичик жамоалар раҳбарларининг ўзлари юзакка қараётганликлари маълум бўлаётди.

қилганда, мазкур жамоаларда ҳам бир қатор қонун бузилиш ҳолатлари кузатилди.

Масалан, туман соғлиқни сақлаш бўлимида шу йилнинг биринчи ярмида 42 та буйруқ чиқарилган бўлса-да, уларнинг биронтасида қорхона раҳбари Синдор Абдуназаровнинг имзоси йўқлигидан ажабланасан киши. Чиқарилаётган буйруқлар билан юрист таништирилмайди. Ходимлар билан тузилган ўзаро меҳнат шартномалари фақат ягона нусхада бўлиб, ходимларга берилмаган. Қонунда кўзда тутилмаган интизомий жазо чоралари - «огоҳлантириш», «қаттиқ огоҳлантириш», «П.Андақулов, П.Назаров Сингари» ходимларга нисбатан қўлланилган бўлса, 1999 йил 13 феврал кунини таъботхона ҳақими Э.Авазов «охирги марта огоҳлантириш» билан бош ҳақим томонидан ноқонуний «сийланган». Бу ҳол амалдаги қонунчиликка хилофдир.

соғлиқни сақлаш бўлими (бош ҳақим Қ.Дониёров)да галати ҳол ҳукм сурмоқда. Бош ҳақимнинг шу йил 13 апрелда туман давлат солиқ инспекциясининг 12 апрелдаги 04/768-сонли хатига асосан 14 ходимдан транспорт солигини уларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида 45-сонли буйруғи чиқарилган. Меҳнат Кодексининг 181-моддаси талабига зид равишда бош ҳақимнинг 9 апрелдаги 43-сон буйруғи билан кроват-ўринлар режаси бажарилмагани учун тиббиёт ходимлари М.Абдуғаниевдан 30 фоиз, Н.Мухаммедшинадан 40 фоиз, Н.Яровадан 30 фоиз, С.Уроловдан 15 фоиз апрел ойи иш ҳақларидан ҳеч бир асосиз ушлаб қолинган.

Бахмал тумани халқ таълими бўлимида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига риоя этилиши таъкидланганда жиддий нуқсонларнинг гувоҳи бўлдим. Туман халқ таълими бўлими мудирининг буйруқлар дафтари 5-варағида нима учундир бўш жой қолдирилган, 22-сонли буйруқ эса умуман йўқ. 1999 йил 30 мартдаги 17-сонли буйруқ билан Қўчқор Абдужабборов ўз аризасига биноан вази-расидан овоз этилган. Буйруқда эса Меҳнат Кодексининг моддалари кўрсатилмаган, буйруққа асос қилиб «Меҳнат шартномаси бекор қилиниши муносабати билан» деб ёзилган. Унда ходимнинг буйруқ нухасини олганлиги тўғрисидаги имзоси ҳам йўқ. Ходим аризани 1999 йил 1 мартда берган бўлса-да, лекин қорхона раҳбари 25 март кунини аризага кўл қўйган, буйруқ эса 30 мартда чиқарилган. Бундай йўл тутиш амалдаги Қонунга бў-тунлай зиддир.

Халқ банкининг Бахмал туман бўлими, «Мовасабзавотбанк»нинг Ўсмаат бўлими, туман соғлиқни сақлаш бўлимидаги меҳнат қонунчилигига қандай амал қилинаётганлиги ўрганиб чи-

Зомин тумани халқ таълими бўлимида ҳам меҳнат қонунларининг ўтки бу тарзда бузилиш ҳоллари кузатилди. Бу қорхонада ходимларни фақат аризасига кўра ишга олиб, меҳнат шартномаси тўз-маслик, буйруқ нухсалари билан ходимлар таништирилмаслиги ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Айниқса, Зомин тумани

Пскентдаги гилам тўқиш ҳиссдорлик жамиятида тамакичилик, пахтачилик, пиллачиликда ишлатиладиган қанор матоси ҳам тўқилади. Мазкур қорхонада 100 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланган. Миҳозлар сифатли маҳсулотни ўз мuddатида олиб кетадилар.

Суратларда: тўқувчеи устаси Гулнора Назарова ва тўқувчи Илхом Тангировлар эндигина дастгоҳдан тушган матонинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Тўқувчи Ася Севиян.

Ҳ.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

Шоймурод ШЕРМАТОВ.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ирода ҲОЖИҚУЛОВА.


Кейинги йилларда марказ республикамиздаги «Ўқитувчи», «Абу Али ибн Сино» каби нашриётлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, талайгина қўлланмаларни чиқарди. «Еш гижжакчи», «Ғижжак дарслиги» сингари китоблар жойларда кенг тарқалди. «Ўзбек дутор ижрочилиги», «Фортеллиано», «Рубоб тароналари» дарслиги муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

«Мактаб-лицей кутубхонасининг ишини ташкил этиш», «Маданиятда менежмент ва иқтисодиёт асослари» сингари китоблар ҳам кўп нусхада чоп этилди. «Орзу», «Дилрабо» номли тўпламлардан ҳам музика таълиминини йўлга қўйишда фойдаланилмоқда.

Янги ўқув йилида Марказ режаси бўйича яна бир неча номда дарслик ва ўқув қўлланмалар нашрдан чиқади.

Саидакром САИДАБЛОЕВ.

Касаба уюшмалари шифо масканларида



Ўзбекистон жаннатмакон ўлка. Чунки жонажон Ватанимизнинг бетакрор табиати, сўлим гўшалари ҳар қандай кишини ўзига ром этади. Ана шундай сўлимгоҳлардан бири «Зомин» тоғ-ён бағирларидир. Ушбу масканда жойлашган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли «Зомин» санаторийсининг йилнинг тўрт фаслида ҳам гавжумлиги шундан. «Зомин»ни бежизга Ўзбекистон Швейцариясига қис-ламайдилар. Биз бунга сихатгоҳда бўлганимизда тўла ишонч ҳосил қилдик. Оромгоҳнинг ён-атрофи арчазор. Катта оқ кема кўринишида, ярим айлана шаклида бунёд этилган бинонинг ҳар бир хонаси балконида олис ўқлар кўриниб туради.

Маълум бўлишича, мазкур санаторий 1988 йилда Зомин туман Халқ боғи ҳудудида вужудга келган. Шарилдоксой масканида бунёд этилган сихатгоҳ денгиз сатҳидан 2 минг метр баландликда жойлашган. Масканнинг супасига чиқиш учун эса яна 500 метрча баландликка кўтарилш керак бўлади. Арчазорлардан таралган эфир ёғлари бу ерда ўзгача клим яратиб турибди.

бронхит касалига йўлиққанга 20 йил бўлиб қолди. Шу боис бошқа санаторийларда ҳам бўлганман. Лекин дардимга шифо топмадим. Фақат шу сихатгоҳда дам олиб, аҳолим яшиланаётганини ҳис қилдим. Шифокору ҳамшираларнинг хушмуомалалигини айтмайсизми. Имкониятдан фойдаланиб менинг соғайиб кетишимга яқиндан ёрдам берган шифокор Нурияxon Юсупова, ҳамширалар Рисолатxon



КЛУБ ВА КУТУБХОНА ХАМИША ГАВЖУМ

Дам олувчилар зерикиб қолмасликлари учун санаторийда барча шароитлар яратилган. Оромгоҳнинг мингга яқин бадий, сиёсий ва тиббий адабиётларга эга кутубхонаси ишлаб турибди. Яқинда яна юзта янги бадий китоблар олиб келинди. Шунингдек, 500 та китобга буюртма берилди. Кутубхона хизматидан ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳам фойдаланишмоқда. Чунки сихатгоҳ ёнида ишчилар шаҳарчаси ва мактаб бор. Клубда ҳафтанинг олти кунда бадий фильмлар намойиш этилади. Таниқли санъаткорлар иштирокида концертлар уюштирилади. Болалар хонасида эса жажжилар учун ҳар хил ўйинчоқлар бор. Бу ерда улар жисмоний тарбия билан ҳам шуғулланиш имкониятига эга. Оромгоҳда вақти-вақти билан ҳар хил мусобақалар ўтказилиб турилади. Яқинда «Ҳамшира-99» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Муяссарxon Одилова голиб деб топилди ва унга қимматбаҳо совға топширилди.

Клуб қошида гуруҳ ташкил қилинган бўлиб, беморлар гуруҳ ижрочилари томонидан уюштирилган концертларни мириқиб томоша қилишмоқда. Курортда ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, фан фидойилари билан қизиқли учрашувлар ташкил этиш одат тусига кирган. Мисол учун, йил бошида маҳаллий шоирлар Абдуҷаббор Қўчқоров, Хайрулло Сидиковлар билан ана шундай учрашув бўлиб ўтди. Улар ўз ижодларидан намуналар ўқиб бердилар. Беморларни қизиқтирган саволларга жавоб қилдилар.

Маъмурият ва касаба уюшма томонидан санато-

рий ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ходимлар меҳнат таътили арафасида ёрдам пули олдидилар. Кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилади. Ходимлар жамоа шартномасига кўра, асосан бепул махсус кийим билан таъминланган. Қуни кеча аёллардан 40 нафар Ал-Бухорий мажмуи ва Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиб қайтдилар. Тиббиёт ходимларининг 2 нафарига шу йил «Чинобод», «Ботаника» санаторийларига бепул йўланма олиб берилди. Йил охиригача уларнинг яна 2 нафарига бепул йўланма билан сийланадилар. Ходимларнинг тўй ва маъракаларида маъмурият ва касаба уюшма ёрдам қўлини чўзадилар.

Зомин туманида сихатгоҳнинг ёрдамчи ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Бу ердаги мавжуд 40 гектар ернинг 12 гектари боғга айлантилган. Ўрик, шафтоли, гилос, олма ва бошқа мевали дарахтлар кейинги йил ҳосилга қиради. Қолган ер майдонларида оромгоҳ учун керакли сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Бундан ташқари, сихатгоҳнинг 30 оила асарлиси ва 25 бош қорамоли бор.

Энг муҳими, ҳозир «Зомин» сихатгоҳига борган беморлар дардларидан фориғ бўлиб, ўзларини қушдек енгил сезиб уйларига қайтмоқдалар. Бунга, биринчидан, бу масканнинг бетакрор чиройи тоза ҳавоси сабаб бўлса, иккинчидан беморларнинг соғайишида сихатгоҳда дам олувчиларга кишин-ёзин тинмай хизмат қилаётган шифокору ҳамшира, ходиму хизматчиларнинг хиссаси катта бўлаётир.

«ЗОМИН» — ЎЗБЕКИСТОН ШВЕЙЦАРИЯСИ

пи жаҳон андозалари талабига тўла жавоб берадиган даражада қайта тикланди. Федерация санаторий учун йўлланмаларнинг асосий қисми сотилишида ҳам яқиндан кўмак бермоқда. Жойлардаги касаба уюшмалар томонидан меҳнатқашларга имтиёзли йўлланмалар берилётганлиги эса уларнинг ижтимоий ҳимояланганини таъминлаётир.

— Мен Сирдарё туманида истикомат қиламан, - дейди Тиниқ Бобоева. - Ёшим 53 да. Олти нафар фарзандни воғта етказдим. Иссиқ жон экан, ўтган йили сурункали бронхит касалига йўлиқдим. Киши билан касалхонадан чиқмадим. Шифокорлар

гаплашманг, уларнинг бу ердаги шароитдан мамнун эканлигига гувоҳ бўласиз. Беморлар соғлиги тикланиб, уйига яхши кайфият билан қайтаётгани ҳақида гапирдилар.

— Бу ерга тўртинчи марта келишим, - дея сўхбатни давом эттирди ёши олтимиши қоралаб қолган Тошпўлат ака Исомиддинов. - Ўзим Богдод туманидаги 20-ўрта мактабда ўқитувчиман. Сурункали

Иброҳимова, Гулсум Қўлаева ва Манзура Бозорбоеваларга миннатдорчилигини билдирмоқчиман.

Одина Худойберганова Гулистон шаҳрида яшайди. Яққо-яғона ўғли касаллиги боис 1994 йилдан бери шу оромгоҳга келади. Утган йили келганида ўғли бутунлай тузалиб кетди. Бироқ бу йил фарзандининг давом эттирди ёши олтимиши қоралаб қолган Тошпўлат ака Исомиддинов. - Ўзим Богдод туманидаги 20-ўрта мактабда ўқитувчиман. Сурункали

Иброҳимова, Гулсум Қўлаева ва Манзура Бозорбоеваларга миннатдорчилигини билдирмоқчиман. Одина Худойберганова Гулистон шаҳрида яшайди. Яққо-яғона ўғли касаллиги боис 1994 йилдан бери шу оромгоҳга келади. Утган йили келганида ўғли бутунлай тузалиб кетди. Бироқ бу йил фарзандининг давом эттирди ёши олтимиши қоралаб қолган Тошпўлат ака Исомиддинов. - Ўзим Богдод туманидаги 20-ўрта мактабда ўқитувчиман. Сурункали

ЎХШАШИ ЙЎҚ

Оромгоҳда ким билан



РОҲАТИЖОН ХАВОСИ

— Сихатгоҳ ўзининг табиий шифобахш клими билан дам олувчиларга манзур бўлмоқда, - дейди биз билан сўхбатда бош ҳаким Иноятулло Эргашев. - Бу ерларнинг ёзи иссиқ, киши енгил. Баҳор фасли май ойдан бошланади. Октябр ойининг ўрталарида кузги салқин тушади. Ҳатто ёз ойларида ҳам ҳарорат 30 даражадан ошмайди. Фусункор тоғ, тоза ҳаво, сўлим арчалар, қуёш нури, юқори ультрабинафша радиацияси шифобахш таъсир этувчи омиллардир.

250 ўринга мўлжалланган оромгоҳда беморлар учун барча қулайликлар яратилган. Дам олиш хоналари асосан икки кишига мўлжалланган. Сихатгоҳда клуб, кутубхона, ўйин хоналари мавжуд. Беморларга видеосалон текин хизмат кўрсатади. Улар яқин- атрофга экскурсияга чиқиш имкониятига эга.

Сихатгоҳда асосан нафас органлари, асаб системаси касалликлари билан оғриган кишилар даволанишади. Бунда асосий даволаш манбаи - тоғ климидир. Лекин санаторийда сув билан даволаш ҳам кенг қўлланилади. Сунъий марваридли, йодли ванналар, сауна ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидланганидек, санаторий ажойиб «Зомин» ва ям-яшил арчазорлар кўнида жойлашган. Унинг атрофида 50 дан зиёд турли ўсимликлар ўсади. Уларнинг деярли ҳаммаси шифобахш ҳислатга эга. Масалан, қора андиз, кийик ўти, зира, дала чой, олтин томбир ва бошқа ўсимликларни бу ерда кўплаб учратиш мумкин. Бу доривор ўсимликлар оромгоҳ атрофи-

ни гўзал қилиб кўрсатиш билан бир қаторда, ўздан хушбўй хид таратиб туради. Бундан ташқари тоғ клими тетиклаштирувчи, чиниктирувчи хусусиятларга эга бўлиб, организмда қайта тикланиш жараёнини кучайтиради, қонда глюкозил мустақамлигини оширади, ташқи салбий таъсирлардан сақлайди. Буларнинг ҳаммаси нафас органлари, бронхиял астма, аллергиядан келиб чиққан ва асаб касалликларини даволашда катта ёрдам беради.

СИХАТГОҲ ФИДОЙИЛАРИ

Санаторийнинг туман марказидан анча узоқда, шовқин сурандан ҳоли жонли айниқса асаб касалликларини даволашда қўл келади. Шу билан бирга бу ерда йилга минглаб дам олаётган ва даволанаётган инсонларга хизмат кўрсатиш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Бундан ташқари оромгоҳ атрофида 150 дан ортиқ оилага мўлжалланган ишчилар шаҳарчаси, 50 ўринли болалар боғчаси, турли иншоотлар, омборхоналар, қозонхоналар жойлашган. Шунга қарамадан мазкур бинолар ва асосий корпусни вақти-вақти билан таъмирлаб туриш ва уларга хизмат кўрсатишда шифокорлар билан бир қаторда бошқа ходимларнинг ҳам хизматлари катта бўлаётир. Чунки йўлдош Шоизоқов, Манғит Бердиёров, Бахтиёр Курбанов, Эрназар Эгамбердиев каби мутахассисларнинг фидойиликлари туфайли сихатгоҳ кишин-ёзин бенуқсон ишлаётир. Оромгоҳни таъмирлашда айниқса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг беминнат ёрдами таъкидлаб ўтиш жоиз. Мисол учун, ўтган йили Федерация томонидан шу мақсадлар учун 35 миллион сўм ажратилди. Дам олиш хоналарининг кў-

Газетхон илтимосига кўра

«БИЗНЕС ИНКУБАТОР» НИМА?

Маълумки, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилдан бири-аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашдир. Ҳўш, бу муҳим жараёнинг иқтисодийёт оламига мадада қандай? Уларни, яъни фирма, кичик корхона ва шунга ўхшаш тадбиркорлик билан шуғулланувчилар қатламини ижтимоий ҳимояси қандай кўринишда бўлади? Республикамиз янги кўринишдаги иқтисодий оламга кириб келгач, фирмалар, кичик ва қўшма корхоналар вужудга келди. Ана шундай «темпоя» бўлаётган тадбиркорларни ўз оталигига оладиган ҳомий керак эди. Шу мақсадда 1996 йил мамлакатимизда илк бор «Бизнес-инкубатор» ташкил топди. Биз унинг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида директор Хотам Ҳакимовни сўхбатда тортидик.

«Бизнес-инкубатор» Давлат мулки кўмитаси ва БМТнинг Тараққиёт дастури лойиҳаси асосида таъсис этилган ва ҳаракатга келтириш учун маблағ ажратилган. Унинг асосий вазифаси «Она товуқ»ни бажаришдан иборат. Ҳаммага маълумки, она товуқ жўжа очғач, уни парваришлаб, дон ейишни, сув ичишни, қўсаи ҳаёт учун курашишни ўргатади. Жўжалар ўз онасининг бағрида эмин-эркин катта бўлишгач, онаси уларни ҳаёт оқимига ташлайди. Шундан келиб чиқадикки, бизнинг ишлаш жараёнимиз «Она товуқ»никига ўхшаш. Ҳозир 10 кишидан иборат жамоамиз янги иш бошлаган фирма, қўшма ва кичик корхоналарга молиявий, солиқ, банк ҳужжатларини қандай юритиш кераклиги, бизнес-режа тузиш, сармоядорлар билан ҳамкорликда ишлаш учун тақлиф қилиш каби ишларни бажармоқда. Оддийгина қилиб тушунирадиган бўлсак, янги тузилган фирма ёки кичик корхонани ўз «оталиги»мизга оламиз. Улар 2-3 йилгача ҳеч қандай ижарасиз биномиздан, телефон, факс, мебелларимиздан бемалол фойдаланишади. Лозим бўлса уларга мута-

хассисларни жалб этиб ҳар хил ўқишларни ташкил қиламиз. Хорижий ишбилармонларни ҳам ҳамкорлик қилиш учун бириктириб берамиз. Ҳозирги вақтда биз ёрдам кўрсатган 250 та кичик корхоналар фаолият кўрсатишмоқда. Уларда икки ярим мингга яқин ишчи-хизматчилар ишлашади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш, маҳсулотларини қайта ишлаш жараёни билан шуғулланувчи тадбиркорларга энг замонавий технологияларни тақлиф қиламиз. Исроиладан 10 киши бизда ва республикамиздан шунча ишбилармонлар у ёққа боришиб ўзаро тажриба алмашишди. Айни кунларда 13 та фирма ва кичик корхоналар «инкубатор»да фаолият кўрсатишяпти. Ташқи субъект, яъни патент (ихтиролар учун), солиқ идоралари ходимлари билан ҳамкорлик қилиш мақсадида алоқа боғланган. «Нетдек» фирмаси мутахассислари ҳозирги кунгача 6 мингга яқин тадбиркорларга компьютер, инглиз тили бўйича сабоқ бердилар. Бундай фирмалардан «Ҳимоя» ҳуқуқ маркази, «Техно-шарк» МЧЖ, «Нуфуз Таълим» ўқув марказлари ҳуқуқшунослик, маркетинг, менежер соҳалари бўйича таълим ва малака ошириш ишларини олиб боришмоқда. Ҳозирги вақтда биздаги мавжуд фирмалар бемалол мустақил ҳаётга тайёрланишмоқда. Яқин кунларда уларни учирма қиламиз. Республика миқёсида биздан ташқари 22 та «инкубатор»лар вилоятларда ўз фаолиятларини амалга оширишмоқда. Келгуси режаларимиздан бири «Бизнес инкубатор» ва «Технопарк» уюшмасини ташкил этишдир. Бунинг учун БМТнинг Тараққиёт дастури томонидан маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Хуллас, оталигимизда иш бошлаган ишбилармонлар то уларни эплаб олмагунларича бизда ўз фаолиятларини амалга оширадilar. Буни эса ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши деб биламиз.

Қобилжон ШОКИРОВ, «Ишонч» муҳбири.

НАЙ РОБИ. Ангола куролли кучлари мамлакат шимолида фаолият кўрсатаётган кўзголончиларнинг кўпуровчилик ташкилоти раҳбари Бенту Бембени кўлга олди. «Экклези» радиостанцияси хабарига кўра, Б.Бембени кўлга тушириш операциясида қўшун Конго республикаси ҳарбийлари ҳам иштирок этган. Яқин кунларда Б.Бембе Луандага олиб келинади.

ВИНДХУК. Жазиорда Африка Бирлиги Ташкилотига (АБТ) аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари Ассамблеясининг 35-сессияси бошланди. Унда, асосан, минтақавий ихтилофлар ва интеграция масалалари кўрилади. Қитъадаги йирик низолар - Конго демократик республикасидаги вазият ҳамда Эфиопия ва Эритрея ўртасидаги ҳудудий ихтилофларни барқарорлаштириш масалалари муҳокама қилинади.

Шунингдек, кун тартибига Африка инсон ва халқ ҳуқуқлари комиссияси таркибини янгилаш ҳамда ташкилий масалалар ҳам киритилган. Жумладан, Африка раҳбарлари Ливия ҳукуматининг АБТ узумини қайта кўриб чиқиш учун Триполида фавулудда учрашув ўтказиш ҳақидаги тақлифини муҳокама қилади.

OLAMDA NIMA GAP

ВИЛЬНЮС. Грузия ташқи ишлар вазири Ираклий Менагаривили икки кунлик ташриф билан Литвага келди. У Литва президенти Валдас Адамкус, парламент раиси Витаутас Ландсбергис ҳамда ташқи ишлар вазири А.Саударгас билан учрашади. Учрашувларда икки давлат ўртасидаги алоқалар, халқара масалалар муҳокама қилинади. Музокараларда асосий диққат-эътибор Болтиқбўйи ва Қора денгиз минта-

қалари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда транспорт алоқаларини кенгайтириш масалаларига қаратилади. Ташриф давомида Вильносада Литва-Грузия консуллик конвенцияси имзоланиши кутилмоқда.

МЕХИКО. Гватемалада Рихтер шкаласи бўйича 6,1 балли zilзила содир бўлди. Сейсмологлар баёнотида кўра, zilзила маркази Атлантика океанида, Гватемаланинг шимоли-шарқий қирғоқларида

бўлган. Ушбу табиий офат натижасида 32 киши тан жароҳати олди, кўплаб уйлар вайронга айланди, айрим ҳудудларда ер чўкиши содир бўлди. Айниқса, Исабал департаменти энг кўп талафот кўрди.

Ҳозир зарар етган ҳудудлардаги аҳоли кўчирилган. Қутқарув ишлари давом этмоқда.

СЕУЛ. Жанубий Корея ҳукумати биносида ёнғин чиқди. Оқибатда бинонинг тўртинчи қаavatига жиддий шикаст етди, канцелярия буюмла-

ри ва компьютерларнинг бир қисми бутунлай ёниб кетди. Жароҳатланганлар йўқ. Полиция ёнғиннинг сабабларини аниқламоқда.

ТУРИН. Италияда ФИАТ автомобил концернининг 100 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Унда мамлакатнинг юқори мартабали расмий шахслари, хорижлик меҳмонлар иштирок этди.

Бир пайтлар оддийгина устахона бўлган ФИАТ концерни бугунги кунда йилига 2,5 миллион автоташкилот ишлаб чиқарадиган йирик заводга айланган. ФИАТ ўз «умри» даврида 80 миллион дон автоташкилот ишлаб чиқарган.

СЯНГАН. Хитойда олти нафар таниқли ёзувчи Интернет тармоғи бўйича хизмат кўрсатадиган «Пекин он-лайн уэб» фирмасини судга берди. Ёзувчилар мазкур фирмани ижодий асарлардан муаллифларнинг розилигисиз фойдаланганликда айблаган. Пекин суд маҳкамаси уларнинг даъвосини қабул қилди ва текширув ишларини бошлади.



Хитой

Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига

Жалолиддин қароғоҳида ўлжалар улашиларди. Мўғуллардан тушган сон-санокис ўлжалар орасида бир арабий тулпор ҳам бор эди. Ана шу отни икки қабила амирлари талашди қолдилар. Балх ҳокими Аъзамхон Малик аччиғлини Сайфуддин Ағроқ бошига камчи туширди. Сайфуддин Ағроқ бошлиқ халаж қабилалари бундай ҳақоратга норозилик билдириб, шу кечасиёқ қароғоҳни ташлаб кетдилар. Аслида эса бу низо-жанжаллар Чингизхон ваъда қилган қопқоп олтинлар илжинида жасур саркардан ажралиб чиқиш учун ўйлаб топилган бир бахона эди, холос. Улар ваъда қилган олтинларга дастлаб эга бўлдилар ҳам. Ва лекин мўғуллар Парвон остоналарида бошларидан кечирган аччиқ қисматни эсларидан чиқармаган эдилар. Шу боис, Сайфуддин Ағроқ, Аъзамхон Малик ва Афғанистоннинг Пешаворидан усталик билан тузоққа илинтириб, батамом кириб ташладилар-да, бойликларини ўлжа қилиб олиб кетдилар...

ти ва онинг дахшатларини кўрғоқ, бундин кейин ҳам ишда хушёрроқ, билагонроқ бўлур. Зеро, қуён ортидин тушгон сайёд ўрмонда шерга дағи дуч келиши мумкинлигини унутмаслиги керак!

«УРУШАДИГАН ЖОЙНИГНИ КЎРСАТ, ЎША ЕРДА ҲОЗИР БЎЛАМАН»

Чингизхон номага жавоб бермади. Лекин бунинг билан хотиржам ҳам қолмади. Ишнинг шу тарзда бо-ришини ўзи учун жуда оғир ва ҳатто ҳалокатли кечишини яхши фаҳмлади ҳамда ҳали яқиндагина истило этган Хоразмшоҳ мамлакатини қўлдан бой бериб қўйишдан қаттиқ хавотир тортиб қолди. У ҳеч бир пайсалга солмай зудлик билан йиғиш мумкин бўлган қўшиннинг ҳаммасини бир ерга жамлаб, бу сафар ўзи бош бўлган ҳолда 1221 йилнинг ноябрида Жалолиддинга қарши ялпи юриш бошлади. Бу ялпи-ларга келиб энди Жалолиддин Чингизхонга қарши туриш ва давомли зарбалар бериш учун етарли кучга эга эмасди. Фақат унга содиқ қолган Темур Малик, Амин-ал Мулк, Музаффар Малик ва Ихтиёрдин Хорпуштинг унча катта бўлмаган, аммо уюшган, жасур лашкарлари билангина қолган эди. Жалолиддин яна Газнага келди, бирок у ерда ҳам ҳеч бир на-тижалари иш қилиб бўлмас-

лигига қўзи етгач, уни тарк этиб, Гардиз яқинида унинг изидан келаётган Урхон нўён бошчилигидаги каттагина мўғул қисмига яшиндай тўсатдан ташлан-ди. Қисқа вақт давом эт-ган шиддатли жангга тўрт тумандан иборат бўлган душман қўшинини батамом тор-мор келтириб, улардан узоклашди. Шундай бўлса-да, Чингизхон ҳали ҳам сал-

нинг оиласи ҳалок бўлди, уларни қутирган дарё на-ҳангдай ямламай ютди... Бу жудодил бутун борлигини оташдай ўртаб юборган Жалолиддин қаҳр-ғазаб билан ёв устига шердай ташланиб, мўғул сафларини тўфондек ёриб ўтди-да, дарё бўйига келди. Қанча оғир дамлару зафарларда соҳибининг истақларини қулоқ қоқмай бажариб кел-

лардан худди байрамлар-дагидек зур тантана билан ўтадилар. Жалолиддин бу ерларда қисқа муддатда куч тўлаб, сўнг ўзининг азалии ганими ҳисоблан-ган Бағдод халифалигига қарши юриш қилади. Уни ўзига қаратиб олиб, за-фарли юришларини давом эттирди. У бутун Озарбайжон, Гуржистон, Арма-нистон ва бошқа бир қатор шаҳарларни ўз тасаруфига киришти, сўнг мўғулларга қарши курашини давом эттирди.

Хоразмшоҳлар хонадо-нига мансуб истеъдодли муаррих Шаҳобиддин Му-ҳаммад ан-Несавий Жалолиддиннинг бутун ҳаёти давомида даярли бирга бўлган ҳамда унинг «Жан-нома»ларини ёзиб қолдир-ган. У 1241 йили «Сирот ас-султон Жалолиддин Мангуберди» («Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳола-ти») номли қимматли асар ёзиб қолдирган.

Бу асар 1970 йилларга келиб озарбайжонлик та-рихчи олим, марҳум Зиё Мусо ўғли Бунёёдов томо-нидан араб тилидан рус тилига ўтирилган.

Ўзбек халқининг ифтихо-ри, Ватан ва халқ озодли-ги йўлида жон фидо қил-ган, ҳарбий соҳанинг то-маънодаги ажойиб истеъдодли ташкилотчиси, ўзи ҳаёт вақтидаёқ ҳатто энг ашадли душман қўмондонлари томонидан ҳам: «Хали шу дамларга-ча дунё юзи кўрмаган, чин маънодаги тенги йўқ ҳақи-қий ботир саркардадур!» дея тан олинган Жалолиддин Мангуберди ўлиминдан кейин ҳам жойлардаги ва-танпарварлик ҳаракатлари тамомлаи бостирилмаган ва истилочиларга қарши

мардонавор озодлик курашлари узок вақтларга-ча дам у ер, дам бу ерларда баъзан фаол, баъзан сустрок бўлса-да, да-вом этиб турган.

Жалолиддин Мангубердига бағишланган ўзининг илҳомбахш да-стхатларида афғонистон-лик таникли олим Аҳмад Али Қўзод тўқилганиб шундай деб ёзади: «Биз тарихий йилномалардан шу нарсаларни яхши би-лаимизки, Жалолиддин қатъий ва мардонавор туриб Чингизхон гала-ларидан Афғонистон ерла-рини Парвондан тортиб то Хинд дарёси қирғоқ-ларигача фидокорона хи-моя қилган ҳамда мўғул-ларга қўллаб қиронли қақшатқич зарбалар бер-ган ажойиб, тенгсиз сар-кардадир».

Жалолиддин ҳақидаги тарих замонамизнинг қў-за қўриган талай таникли олимлари, ёзувчиларини илҳомлантириб келаётган-лиги сир эмас. Жумладан, шонли саркарда ҳақида Максуд Шайхзода «Жало-лиддин Мангуберди» но-мили тарихий драммасини ёзганди. Таникли гуржи ёзувчиси Григол Абашид-зе эса «Узоқ тун» номили тарихий роман яратган.

Жалолиддин Мангубер-ди Ватан озодлиги йўлида мислсиз жасорат намуна-ларини кўрсатган Спита-мен, Тумарис, Широк, Му-қанна, Темур Малик, Мах-муд Таробий ва бошқа қа-ҳармонлар қатори диллар-да, тилларда дoston бўлиб яшамокда. Бундай табар-рук улуг аждодларимиз билан қанчалик фахрлансақ, ҳар қанча ёд этсақ шунча-лар уларнинг руҳи-покла-рини шод этган бўламыз.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

Ҳар тўғрида

* Табиатда суюкликлар, газлар, металллар, қаттиқ ва юмшоқ, барқарор ва ўзгарувчан, оғир ва енгил жимлар мавжуд. Ана шу кечикис хилма-хиллиги умумлаштиришда олим Д. Менделеевнинг даврий тизими муҳим амалий аҳамият касб этади.

* Олим фанга ҳали маълум бўлмаган кимёвий элементлар учун бўш жойлар қолдирди. Карбонсизки, 1875 йилга келиб француз кимёғари Лекон де Вуабодан янги элемент топиб, унга галлий деган ном қўйди.

* 1879 йилда машҳур швед кимёғари Нильсон Менделеев башорат қилиб айтган элементларнинг иккинчисини топди. «Шу тариха, - деган эди Нильсон, - Менделеевнинг мулоҳазалари тасдиқланмоқда; олим скандий ва галлийнинг мавжудлигини олдиндан айтибгина қолмай, уларнинг энг муҳим хоссаларини аввалдан кўра билди ҳам».

* Ниҳоят, 1886 йилда немис олими Винклер Менделеев аввалдан айтган учинчи элементни топди. Винклер ўз кашфиёти тўғрисида хабар бера туриб, янги элемент-германий Менделеев айтган эвакременийнинг айни ўзгинаси эканлигини кўрсатди ўтди.

ЮРТ ШАЪНИ ДЕБ ЯШАДИ

кам уч юз минг кишилиқ аскарлари билан таъқибни сусайтирмай, Хинд дарёси бўйидаги Нилоб гузариди Жалолиддин қўшинига етиб олди...

Жалолиддин ўз лашкарларини ўқ-ёй тарзда тўзди. Қумушдек ялтираб оқайтган Хинд дарёси гўё кизгин ва шиддатли борарди. Жалолиддин бир неча бор душман қароғоҳи жойлашган ерларга яшиндай ёриб кириб, Чингизхоннинг ўзини жон сақлаш учун қочишга ҳам мажбур қилди. Бирок душман ҳам айёр, ҳам куч жиҳатдан устунлигидан саркарданнинг оз сонли лашкарлари қуршовга тушиб қолди. Чингизхон қандай бўлмасин Жалолиддинни тирик қўлга олиш учун қатъий фармон берди. Мўғуллар халқа исканжасини зўр бериб қучайтирдилар. Бу омонсиз жангга саркарда-

ган, қирғин-барот жанглардан эсон-омон олиб чиққан дўсти - севимли оқ туркман жийрони аҳволни дарров тушунди - ҳўжасининг бу галги амрини ҳам бажо келтириб, қирғоққа гувиллаб урилиб оқайтган пўртанали тўқин устига ўзини отди. Қолган аскарлардан бир қисми ҳам до-виорак саркарда ортидан ўзларини дарёга ташлади-лар.

Мўғуллар қўлдан чиққан Жалолиддин ва жангчиларнинг ботирликларига лолу хайрон қолиб, аламларидан қинқириб юбордилар. Чингизхон жар ёқасида келиб қаради. Унда Жалолиддин от устида бир қўлида Хоразмшоҳлар мамлакатининг сўнги байроғини орқадан ёғдирилаётган ўқларга қарши қалқон ушлаган, иккинчи қўлида қилч қўтарган ҳолда сузиб бормоқда эди. Бу жасоратни кўрган Чингизхон: «Бе-

ёнида ҳозир бўлган ўғиллари ҳамда нўёнларига қарата:


- Ўғил деган мана шундай бўлмоғи керак! - деди дарёда сузиб бораётган Жалолиддинга ўнг қўли билан ишора этган ҳолда ҳам таъна, ҳам ҳавас билан.

Сўнги жангга тасодифан душман қўлига тушиб қолган Жалолиддиннинг саккиз яшар ўғли Чингизхоннинг буйруғи билан қатл этилди.

Чингизхон билан бўлган сўнги жангдан кейин Хиндистонга ўтиб кетган Жалолиддин у ерда уч йилча туриб - 1224 йили Эроннинг Кермон шаҳрига келди. Эрон шаҳарларининг аҳолиси уни қувонч билан қутиб олади: дахшатли жангларда ҳам тоғу тош, да-штар, қум саҳролари орқали ўтган мисли қўрилмаган сафарларда чиққан хоразмликлар бу шаҳар-

Фотоайбнома ҚУРИЛИШДА БУРИЛИШ БЎЛАДИМИ?

Бундан бир неча йил илгари Шахрисабз туманидаги «Қони» қишлоғидаги Оксус дарёси бўйида, атрофи дов-дараклар билан ўралган, соя-салқин жойда саломатлик маркази қурила бошлаганида барча қувонганди. Лекин мана 5-6 йилдирки мазкур дам олиш маскани қурилиши тақа-тақ тўхтаб қолди. Вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси қурувчилари бошлаган бу иш ниҳоясига етмади. Натижада катта маблағ эвазига бунёд бўлаётган мазкур иншоот харобага айланмоқда. Агар қурилиш ниҳоясига етказилмаса, қишлоқ меҳнаткашлари, ишчи-хизматчилар саломатликларини тиклаб, хордиқ чиқаришлари учун яна бир икмоният бой берилади.



Савол тугилади: аввалига катта маблағ сарфланиб, ҳозирда «Маблаг йўқ» баҳонасида нураб бораётган бу маскани ишга тушириш ҳақида ўйлайдиган жонқуяр борми?

Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатлар элчихоналари савий-ҳаракатлари билан амалга оширилаётган хайрия тadbирлар кўпчилики мамнун этмоқда. Финляндиянинг мамлакатимиздаги элчихонасининг хайрли ишлари ҳам эътиборни ўзига тортади.

Буни элчихона билан «Соғлом авлод учун» халқаро жамғарма ўртасида ўрнатилган яқин ҳамкорлик мисолида ҳам кўриш мумкин. Элчихона ташаббуси билан бу жамғармани қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ибратли тadbирлар кўрилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

ФИНЛЯНДИЯ ГРАНТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Яқинда бу борада яна бир хайрли ишга қўл урилди. Элчихона 15 минг доллар миқдоридидаги грант маблағини «Соғлом авлод учун» жамғармасига топширди.

Грант маблағи ҳисобидидаги 600 нафар носоғлом ўғил-қиз саломатлигини тиклаш билан боғлиқ тиббий тadbирлар амалга оширилди. Тошкент шаҳридаги 102 ва 106-маҳсус интернат тарбияланувчиларига эса эшитиш аппаратлари сотиб олинди.

Бундай хайрия ёрдамидан республикамиздаги бошқа қатор шифохоналар ҳам баҳраманд бўлмоқда. Нукус шаҳридаги оналар ва болалар саломатлиги марказига ҳам моддий ёрдам кўрсатилди. Бу хайрли иш Финляндиянинг «Прибори Ой» фирмаси ҳиммати билан амалга оширилди. Ажратилган 80 минг доллар маблағга тенг бўлган бу тиббий жиҳозлар марказ ихтиёрига берилди.

Болалар саломатлигига хизмат қилаётган мазкур тadbирлар «Соғлом авлод учун» жамғармасининг шу эзгу ният йўлидаги фаолиятини янада қонлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Шахноза ШАРИПОВА.

Жаҳон чемпиони Мамажон МУХИТДИНОВ. ЛЮДМИЛА РУДЕНКО

Лекин ҳар қалай Руденко биографиясининг эса-да қоларли шахмат саҳифалари Ленинград билан боғлиқдир. Бу ерда тажрибали тренерлар уни кўз остига олишди. Улар шахмат қонунларини ўзлаштиришда унга кўмаклашдилар. Ёш шахматчи В.Раузер, А.Толуш, П.Романовский, В.Чековер сингари донгдорлар қуршовида бўлди.

Беихтиёр: нега Ленинградда айни Руденко шундай гамхўрликка сазовор бўлди, шаҳарда бошқа қобилиятли шахматчи хотин-қизлар ҳам бор эди-ку? - деган савол тугилади. Бор эди, уларга ҳам ёрдам беришган. Аммо ҳеч ким Руденкочалик шахматни сидқидилдан севмаган бўлса керак. Шахмат санъатига бўлган садоқат, жанговар услуб, спорт манфаатпарастлигидан ҳолислиги кўпни кўрган мастерлар ва тренерларга ёқмаслиги мумкин эмасди.

У спорт натижаларига бутунлай бефарқ қарарди, дейиш ҳақиқатга хилоф гап бўлур эди. У ҳам га-лаба қилишни, оқори ўриларини эгаллашни истарди. Лекин натижа уни-нг учун ҳар қалай бир ра-қамлар ҳосиласигина эди. Тахта узра олиб борил-диган кураш жараёни, ижод унга энг катта шод-лик ато этарди.

У устозларидан қўп на-рса ўрганди. Бирок, ҳатто таникли мастер бўлгач, катта тажриба орттиргач ҳам Руденко шахмат тах-таси узра ҳамон импро-визаторлигича қолган эди. Бу унинг услуби, ха-рактери бўлгач, ундан қочиб қутулиб бўлармиди? У ўзининг энг асосий турнирға хар томонлама шай ҳолда келди. Хиёл-ти.

(Давоми. Боши 10 июл сониди)

воқеалар юз берди. Уч йилдан сўнг у шахмат тожини Е.Биковога топширишга мажбур бўлди. Бу муваффақиятсизлиқни Руденко мушоҳада билан қабул қилди. У чиройли қилиб йотишни ҳам, муносиб тарзда ютқазишни ҳам биларди. Лекин шахматдан сира ҳам совумади, бунинг устига имкони бор ҳамма жойда: эркаллар турнирларида, ўз спорт жамятининг бири-да ўйнарди. У қаерда ўйнамасин доимо ўзи-нинг шахмат нуқтаи на-зарига, дидига содиқ қолди.



Мен таваллудининг 75 йиллиги арафасида Людмила Владимировна билан суҳбатда бўлган эдим. Жаҳон экс-чемпионидан унинг қалбида шахмат қандай ўрин эгаллаганлигини сўрадим.

- Ҳатто, ҳозир, ёшим бир жойга бориб қолганда ҳам мен ҳаётимни шахматсиз тасав-вур қила олмайман, - деди Руденко. - Бор-дию ҳамма нарсани бошидан бошлашга тўғри келиб қолса, у ҳамма вақт ҳам бунга шодлик келтираверма-ган бўлса-да, балки яна ўша йўлни танларди! Лекин шахмат тахтаси узра мен тоғиб кўрган энг юксак шодлик да-қикалари олдиди бар-ча нарса хира торта-ди...

Л.Руденко 82 ёшида (1986 йил) вафот этди.

Марокли машқлар

Иккаласида ҳам тўрт юришда мот бўлади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ РЕСПУБЛИКА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН НОГИРОН ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ХОДИМЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

- 1.Кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчилари. Ўқиш муддати 2 ва 3 йил. (9 ва 11 синф маълумоти билан)
2. Тикув машиналарини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил. (11-синф маълумоти билан)
3. Пойафзал тикувчи ва таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил. (11-синф маълумоти билан)
4. Соатларни таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил. (11-синф маълумоти билан)
5. Радио-телеаппаратураларни таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 2 йил. (11-синф маълумоти билан)
6.Кичик ва хусусий бизнес ҳисобчиси. Ўқиш муддати 1 йил (11-синф маълумоти билан)
7. Электрон ҳисоблаш машиналарининг опе-

- ратори. Ўқиш муддати 1 йил. (11-синф маълумоти билан)
8. Маиший уй-рўзгор электр асбобларини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил. (11-синф маълумоти билан)
9. Қўзи оғиз поғиронларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш ва ўқитиш гуруҳи. Ўқиш муддати 1 йил.
Билим юртини тугатганлар, олган ихтисосликлари бўйича диплом оладилар. Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар.
Билим юрти ётоқхона ва спорт мажмуғига эга. Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:
1. Директор номига ариза.
2.Маълумоти тўғрисида гувоҳноманинг асл нусхаси.

- 3.086 формадаги тиббий маълумотнома.
4.Туғилганлиги ҳақида маълумотноманинг асл нусхаси.
5.Ота-онанинги иш жойидан маълумотнома.
6.Турар жойидан маълумотнома.
7.Ижтимоий таъминот бўлиминдан йўлланма.
8.Ноғирон болалар учун тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг (ТМЭК) маълумотнома-си.
9.3x4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
10.Бир дона катта конверт.
Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси 47-уй. Маълумотлар учун телефон: 78-82-72.
Транспорт: 9-трамвай ҳамда 2,13,33-автобусларнинг «Кўзи оғизлар жамъияти» бека-ти.
Ҳужжатлар 1999 йилнинг 1 июнидан 20 августигача қабул қилинади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламурадов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босялди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотуvida эркин нархда.
«Шарқ» нашрийт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти -21.00. Топширилди 22.00